



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3076-1
2021 - vil 22 - dekabr

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУГИ

**“Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқув юкламаси
ҳамда ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва “устоз-шогирд” ишларини белгилаш
қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруқка ўзгартиришлар киритиш хақида**

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 ноябрдаги ПФ-3-сон “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги 545-сон “Илмий ва инновацион фаолиятни бошқариш тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2021 йил 22 октябрдаги 655-сон “Олий ҳарбийлаштирилган таълим муассасалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорларига мувофиқ **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 10 сентябрдаги 20-2018-сон “Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқув юкламаси ҳамда ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва “устоз-шогирд” ишларини белгилаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғига (рўйхат рақами 3076, 2018 йил 8 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 41-сон, 816-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга киради.

**Олий ва ўрта махсус таълим
вазири**

Тошкент ш.
2021 йил 30 ноябрь,
44-2021- сон



Тошқулов А. Х.

Ўзбекистон Республикаси олий ва
ўрта маҳсус таълим вазирининг
2021 йил “30” ноябрдаги 44-2021-сон
буйруғига
ИЛОВА

**“Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқув юкламаси
ҳамда ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва “устоз-шогирд” ишларини белгилаш
коидаларини тасдиқлаш түғрисида”ги буйруққа киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Буйруқнинг муқаддимасидаги “Ўзбекистон Республикаси “Таълим түғрисида”ги ва
“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури түғрисида”ти қонунларига” деган сўзлар “Ўзбекистон
Республикасининг “Таълим түғрисида”ги Қонунига” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Коидаларда:

- a) муқаддиманинг иккинчи хатбошисидаги “ҳарбий олий” деган сўзлар “олий ҳарбий ҳамда
ҳарбийлаштирилган” деган сўзлар билан алмаштирилсин;
- б) 2-илова 17-позициясининг “Иш турларининг бажарилганлигини аниқлаш” устунидаги
“илмий-техник” деган сўзлар “илмий” деган сўз билан алмаштирилсин.